БОБУР ЛИРИКАСИНИНГ ПОЭТИК ХУСУСИЯТЛАРИ

Б.ЖАЛИЛОВ

Автор статьи уделяет внимание особенностям поэтического мастера в лирике Бабура.

The attention of the author of the article is attracted by the peculiarities of the poetic mastership of Z.M. Babur in the fields of lyrics.

Бобур ўзбек мумтоз адабиёти тарихида Навоийдан кейинги ҳассос шоирлардан биридир. У адабиётшунос олим сифатида шеърий маҳорат борасида ўз қарашларига эга, ўзига хос поэтик тамойилларни шакллантирган шоир эди.

Бобур лирикаси поэтик хусусиятларига оид қирралар унинг мураккаб ҳаёт йўли билан зич боғлиқдир. Ана шу қирралардан бири шуки, шоирнинг қатор шеърлари бир ўтиришда яратилмасдан, аввал бирор байт ёзилганда, сўнг маълум вақт ўтгач, шу

байт асосида тугал шеър битилган. Масалан, Бобур Масчо тоғидан ўтиб, ***довон*** қуйидаги чашма бўйида ўтириб, бир байт айтади:

Такаллуф ҳар неча сурат тутулса андин ортуқсен,
Сени жон дерлар, аммо бетакаллуф жондин ортиқсен.

Кейинча бу матлаъ эсга олиниб, беш байт ғазалга айлантирилган бўлиб, шоир девонидан жой олган.

Бобур поэтикасига доир нуқталардан яна бири кўплаб шеърларининг бадиҳа йўли билан айтилганидир. Бадиҳагўйлик эса, маълумки, шоирдан катта билим, юксак шеърий иқтидор талаб этади. Бобур айни шундай талант соҳиби эди. Шоир Биноий Бобур ҳузурига келиб, унинг номига куй басталайди. Шу муносабат билан Бобур бадиҳада бир рубоий айтади:

Ишлар бари кўнгилдағидек бўлғусидир,
Инъому вазифа бори буюрулғусидир
Ул ғаллау муҳманки деб эрдинг, бердим
Мухмалға бўю ғалладин уй тўлғусудур.

Бобур ғазалларида ҳис-туйғуларни ёрқин ифодалашга хизмат қилувчи турли поэтик усуллардан моҳирона фойдаланди. Жумладан, қуйидаги ғазалда айтилмоқчи бўлган асл муддао радифда эмас, балки ғазалнинг дастлабки уч байт ибтидосида такрорланаётган бирикмада таъкидлаб кучайтирилади:

Қайси бир озорин айтай жонима ағёрнинг,
Қайси бир оғритқонин кўнглимни дей дилдорнинг.

Қайси бир берахлиғини толеъи гумроҳнинг,
Қайси бир кажрафтлиғини чархи кажрафторнинг

Қайси ҳасрат бирла армонин вафосиз васлнинг,
Қайси меҳнат бирла ранжин фурқати хунхорнинг

Ғазал лирик қаҳрамонининг бошига “чарх кажрафтор” дан, “ағёру ёр”дан шу қадар бало тошлари ёғилмоқдаки, улардан қайси бирини айтишни шоирнинг ўзи ҳам билмайди. Ана шу туйғулар ифодасида мисра бошида айнан қайтарилаётган “қайси бир” сўзи алоҳида аҳамият касб этади.

Бобур ғазалларининг яшовчанлик сири гўзал фикрни бадиий либосларга ўраб берилганидадир.Шоирнинг машҳур ғазали матлаъсини таҳлил қилайлик.

Сочининг савдоси тушди бошима бошдин яна,
Тийра бўлди рўзғорим ул қаро қошдин яна.

“Сочининг савдоси” бирикмаси орқали ошиқ бошига ёр ишқи тушгани айтилмоқдаки, бу истиора санъатидир. Рўзғорнинг қора бўлишида, ошиқ бошига “қора қошдин” жафолар ёзилишида ҳам истиора санъати мавжуд.

“Бошима боштин” бирикмасида бир йўла иккита санъат қўлланилган. Бу сўзлар ўзакдош бўлгани учун иштиқоқ, бир сўз икки жойда икки хил маънода ишлатилаётгани учун тажнис санъати зоҳир бўлмоқда. “Қора қош” бирикмасида сифатлаш санъати қўлланган. Ёр қошининг қаролиғи, ошиқ рўзғорининг қаролиғидан таносуб санъати юзага келган. “Боштин-қоштин” қофияси ўлчов жиҳатдан тенг, равийлари бир хил бўлиб, ёзувда бир ҳарф билан фарқ қилаётгани учун саъжи мутавозе санъати ҳосил бўлган.

Матлаъдаги биринчи мисра мақтаъда ҳам айнан келтирилган:

Оёғим етгунча Бобурдек кетар эрдим нетай,
Сочинг савдоси тушти бошима боштин яна.

Бу шунчаки оддий такрор бўлмасдан, ғазал композициясини бир бутун қилиб, ғоявий ниятнинг ёрқин ифодасига хизмат қилмоқда. Шеъриятда бу ҳодиса зеб мисра (ҳусни мисра) санъати деб аталади. Бу Бобур ғазаллари поэтикасидаги барқарор, кўп ва хўб қўлланган санъатлардан биридир.

Бобур ғазалиётидаги поэтик хусусиятлардан бири айрим ғазалларнинг бошдан оёқ маълум шеърий санъат асосига қурилишидир. Бундай ғазалларда мисра ва байтларда турли шеърий санъатлар қўлланса-да, ғазал учун танлаб олинган санъат ҳар бир байтда қўлланади. Масалан, Бобурнинг “Хаттинг аро узоринг”, “Эй юзи насрин”, “Қаро зулфинг” каби ғазаллари зулқофиятайн санъати асосига қурилган бўлса, “Ёз фасли”, “Қаду хаттинг” сингари ғазаллари лаф ва нашр санъати асосига қурилган.

Бобур барча шоирларда учровчи шеърий санъатларни қўллашда ҳам ўзига хосликка эга. У бошқа шоирлар қўллаган санъатларни шунчаки такрорламасдан, унга янги жило, янги ранг беришга эришган.

Лутфий лирикасида шундай ийҳом санъати бор:

Қонимни тўкар лабинг ёзуқсиз,
Андин нетайки, сўрса бўлмас.

“Сўрса” сўзи бағридаги ийҳом – икки хил маъно ўқувчига завқ беради. Бобур бу ийҳом таъсирида шундай байт яратган:

Лабинг бағримни қон қилди, кўзимдин қон равон қилди,
Нега ҳолим ёмон қилди, мен андин бир сўрорим бор.

Байтда лабнинг ошиқ бағрини қон қилиши истиора, кўздан ёш ўрнига қон оқизиши муболағанинг

ифроқ шаклидир. Лабнинг қизиллиги, қоннинг қизиллиги таносуб санъатини юзага келтирмоқда. Байтда “қон-ёмон” сўзлари орқали ички қофия қўлланганки, бу зулқофиятайн санъатидир.

Байтда яна тавзеъ, ассонанс санъатлари ҳам муваффақиятли қўлланган. Демак, Бобур лутфиёна ийҳомга (“сўрорим”) олтита санъат қўшиб, шоҳ байт яратган.

Бобур лирикасида шеъриятда кам қўлланилган мураккаб санъат намуналарини ҳам кузатамиз. Тасдир санъати қўлланган байтни тескари томондан ўқилса ҳам мазмун чиқаверади. Бундай байт яратиш шоирдан катта истеъдод, талант талаб этади.

Балодур манга ҳижрон, даводур манга васлинг,
Итобинг манга офат, хадисинг манга дармон.

Ҳар бир ижодкорнинг севиб қўллайдиган сўзлари, иборалари бўлади. Бундай сўз, иборалар ширнинг асаридан асарига кўчиб юради. Бу ҳодиса шоир ҳаёт ва ижод йўли билан зич боғлиқ бўлади. Бобур лирикаси поэтик хусусиятига оид бундай ҳодиса “оёқ етгунча кетиш”, “бош олиб кетиш” бирикмаларига боғлиқдир. Бобур Андижону Самарқандга сиғмай, Афғон томон кетар экан, Андижондан фақат бошини олиб кетди.

Бу кетиш Афғону Ҳиндгача бўлдики, шоир “оёқ етгунча” кетди. Шу сабабли бу икки бирикма шоир шеърларида кўп учрайди:

Муяссар бўлмаса, бошимни қўймоқлик оёғига,
Бошимни олиб, эй Бобур, оёқ етгунча кетгаймен.

Бобурнинг шеърий санъатларга йўғрилган ашъорлари беш асрдан зиёд вақт ўтса-да, халқнинг тилидан, дилидан тушмай келмоқда. Бу бадиий обидалар кейинги авлодларга ҳам манзур бўлиши шубҳасиздир.

Андижон давлат университети,
2012 йил 6 январда қабул қилинган